

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК 821.512.133(092) Орипов*

**АШУРОВА ГУЛБАҲОР НУРУЛЛАЕВНА**

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА  
АНЪАНА ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ  
(образ, ғоя ва тасвир)**

10.01.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун  
тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент - 2008

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар -**

филология фанлари доктори,  
профессор **Б.ТЎХЛИЕВ**

**Расмий оппонентлар:**

филология фанлари доктори,  
профессор **У.НОРМАТОВ**

филология фанлари номзоди  
**С.МЕЛИЕВ**

**Ётақчи муассаса -**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти

Диссертация ҳимояси 2008 йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д 015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13 - уй)

Автореферат 2008 йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_ кунида тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, филология  
фанлари доктори, профессор**

**М.ЖЎРАЕВ**

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги ўзбек адабиёти, хусусан, шеърият жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Унинг жаҳон адабиёти силсиласидаги ўрни ҳам ўзига хос ва бетакрордир. Санъатнинг бошқа турлари билан бақамти ҳолда халқнинг ўзлигини англашида, мустақиллик ғоясини халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдиришда ҳам адабиётнинг таъсир қудрати бекиёс. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "Биз маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз"<sup>1</sup>. Бу жараён адабиётимизнинг йирик намояндалари яратган ижодий анъаналарнинг бугунги кунда ўзига хос шаклларда давом этаётганида кўринади.

Ана шу ижодий тажрибалар қандай ўзлаштирилади, адабий таъсирнинг намоён бўлиш шакллари қай тарзда кечади деган саволларнинг пайдо бўлиши ҳам табиий, албатта. Буларга муайян ижодкор бадиий оламини тадқиқ қилиш орқали жавоб бериш ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ҳар қандай ёзувчи ёки шоирнинг ижодий камолотга эришуви, энг аввало, унинг миллий ғоя ва кадриятларига қанчалик садоқати ҳамда уларни ўз ижодида поэтик жиҳатдан нечоғли юксак даражада ифодалаб бера олиш имконияти ва маҳоратига боғлиқ. Шу боис, талантли ижодкорлар адабиётдаги дастлабки қадамлариданоқ миллий руҳ ва тафаккурнинг моҳир ифодачиси сифатида кўпчиликнинг эътиборини жалб қилишади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Навоий мукофоти совриндори Абдулла Ориповнинг эл қалбига йўл топиб, унинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлганлигининг бош сабабларидан бири ҳам ана шунда деб ўйлаймиз. Абдулла Орипов шеърияти ўзбек адабиёти учун ўзига хос такрорланмас бир ҳодисадир. У ўзбек шеъриятининг узоқ асрлик ғоявий-бадиий анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги тарихий шароитда ривожлантириб, ўзи яшаб турган давр ва замон ижтимоий-маънавий муаммоларини чуқур идрок этган ҳолда адабиётимиз тараққиётига катта ҳисса қўша олди ва ҳозирги адабий жараёндаги етакчи ижодкорлардан бирига айланди. Абдулла Орипов ижоди фақат ўзбек адабиётида эмас, умумтуркий адабиёт контекстида ҳам, жаҳон адабиёти миқёсида ҳам ўзига хос мавқега эга. Мазкур тадқиқот ишида шоирнинг ўзига хос ижодий қиёфаси, услуби ва маҳоратини монографик аспектда тадқиқ этишга ҳаракат қилингани ҳам унинг долзарблигини ифодалайди.

Салкам ярим асрдан буён Абдулла Орипов бадиий ижод билан шуғулланиб келмоқда. Унинг ижодини фақат истеъдод инъоми, илҳом ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.137.

туйғу натижаси дейиш тўғри бўлмас. Шоир шеърляти халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, замонавий шеърлятимиз, шунингдек, жаҳон адабиётининг илғор анъаналарини ўрганиш ва ўзлаштириш асосида ҳам ривожланган. Бу масалани шоирнинг ўзи қатор мақолаларида, хусусан, адабиётшуносларимиз Н.Каримов, Б.Назаров, И.Ҳаққул, М.Қаршибоев, шоир М.Кенжабеклар билан қилган адабий суҳбатларида ҳам алоҳида қайд қилиб ўтган. Афсуски, ҳозирга қадар Абдулла Орипов ижоди адабий анъаналар заминида махсус таҳлил қилинмаган. Бундай таҳлил адабиётшунослигимиз учун кўплаб адабий ҳодисаларнинг илмий-назарий ҳамда амалий муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** 60-70-йиллар ўзбек поэзиясидаги анъана ва кашфиёт муаммолари Ҳ.Абдусамиевнинг номзодлик диссертациясида ўрганилган эди<sup>1</sup>. Шу йўналишда Иккинчи жаҳон уруши даври шеърлятидаги поэтик образлар билан боғлиқ тадқиқотни эса А.Абдуқодиров амалга оширган<sup>2</sup>. Абдулла Орипов ижоди бир неча тадқиқотлар учун бой материал бера олишига қарамасдан, ушбу нуқтаи назардан унинг ўрганилиши айрим мақолалар, у ёки бу тадқиқотнинг муайян қисми доирасида қолган. Филология фанлари доктори Н.Афоқова «Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар» номли номзодлик диссертациясида шоир ижодини бадий санъатлар асосида тадқиқ этган<sup>3</sup>. Г.Эрназарова номзодлик диссертациясида Абдулла Орипов ижодидаги инсон талқинини янги миллий уйғониш фалсафаси билан уйғунликда текширган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, Б.Норбоев, С.Мелиев, Я.Қосимов, М.Фармонова, М.Саломова сингари адабиётшуносларимиз бевосита Абдулла Орипов ижодини тадқиқот объекти сифатида ўрганишган.

Минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йил Абдулла Ориповнинг илк шеърларидан намуналар эълон қилиниб, устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов унга оқ йўл тилаган эди. Ёш шоирнинг келажагига ишонч билдириб, унда жумладан бундай дейилган: «Абдуллажон ҳали ёш. Ҳали у тинмай ўқиб, ўрганиши керак. Уни поэзиянинг бағрикенг даргоҳига, ижоднинг машаққатли катта йўлига оқ йўл тилаб узатар эканмиз, ғунча талантининг муаттар гул бўлиб очилишига, поэзия мухлисларини ҳамиша мамнун қилувчи асарлар яратишига умид қиламиз»<sup>5</sup>. Бу умидни шоир тўла-тўқис оқлагани маълум. Шоирнинг шеърлари юртимиз сарҳадларидан ўтиб, чет ўлкаларда ҳам ўзининг мухлис ва тарғиботчиларини топа олди. Бу ўринда Абдулла Ориповнинг мана бу фикрларини эслаш мақсадга

<sup>1</sup> Абсамиев Х. Проблемы традиции и новаторства в узбекской советской поэзии 60-70 годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1986. - 20 с.

<sup>2</sup> Абдуқодиров А. Поэтические образы в узбекской советской поэзии периода великой отечественной войны (Проблемы традиции и новаторства): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1986.

<sup>3</sup> Афоқова Н. Абдулла Орипов шеърлятида бадий санъатлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. Автореф. - Тошкент, 1997.

<sup>4</sup> Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадий талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 2002. - 30 б.

<sup>5</sup> Шарафиддинов О. Оқ йўл, Абдуллажон! // Шарқ юлдузи. - Тошкент, 1964. - 5-сон.

мувофикдир: «Ҳар қандай миллатда ҳам холис ва улуғ сиймолар, албатта, учрайди. Шундайлардан бири рус халқининг буюк шоири Александр Твардовский эди. Ушбу унутилмас инсон ўша маҳалларда менинг уч-тўртта шеърим атрофидаги можарони эшитган, дунёга донғи кетган устозлар аралашгач, шу шеърларимнинг русча таржимасини «Новый мир» журналида эълон қилган...»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатда ҳам, Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Мирзо Турсунзода, Бахтиёр Ваҳобзода, Римма Казакова сингари таниқли ижодкорларнинг Абдулла Орипов шеърятига доир фикр-мулоҳазалари унинг ижодий тақдири учун бир қалқон бўлган эди, десак хато бўлмайди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги Абдулла Орипов ижодининг илк босқичлариданоқ айрим бир томонлама ва хато қарашлардан қатъи назар, унга холис ёндашиб, тўғри баҳо бера олган. Шоир шеърларининг ғоявий-эстетик олами Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Бахтиёр Назаров, Иброҳим Ғафуров, Иброҳим Ҳаққулов, Нўъмон Раҳимжонов, Сувон Мелиев сингари ўнлаб танқидчи ва адабиётшуносларнинг ишларида кўп жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилинган<sup>2</sup>.

Мустақиллик даврида эса шоир ижодининг бадиий хусусиятлари янада чуқурроқ ўрганилди<sup>3</sup>.

Адабиёт назариясида кўрсатилишича: “анъана ва новаторлик «бадиий

<sup>1</sup> Орипов А. Ўзим ҳақимда // Ёшлик. – Тошкент, 1992. - 7-8-сон. – Б. 18.

<sup>2</sup> Қаранг: Иззат Султон. Талантнинг бирлаштирувчи кудрати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1991. - 29 март; Шарафиддинов О. Талант халқ мулки. - Тошкент, 1979. – Б. 158-171; Шарафиддинов О. Инсон қалбининг манзаралари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1981. - 23 окт.; Қўшжонов М. Ватаним маним // Ёш ленинчи. – 1972. - 20 дек.; Қўшжонов М. Камалакдек сержило (“Йиллар армони”га сўзбоши). – Тошкент, 1984; Қўшжонов М. Онажоним шеърят. - Тошкент, 1984; Норматов У. Адабиётимизнинг ярим асри. Ижод эстафетаси ишончли қўлларда. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967; Норматов У. «Ёшлар ҳақида ўйлар» / Тўплам. – Тошкент, 1975; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърятининг етакчи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – 3-сон; Худойберганов Н. Эҳтирос тўлкинлари. -Тошкент, 1977; Худойберганов Н. Тугёнлар уммонида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. - 15 авг.; Ғафуров И. Шеърятнинг декабри // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. - 2-сон; Акрамов Б. Шеърят гавҳари. - Тошкент, 1990; Саримсоқов Б. Лирикада бадиий тафсил // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1992. - 5-6-сон; И.Ҳаққул. Бадиий сўз шукуҳи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. - 4-сон; Норбоев Б. Икки шоир қахрамони // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1982. - 3-сон; Мелиев С. Тилла балиқчининг фожиаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1989. - 23 июнь; Мелиев С. Лирик фожелик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. -3-сон; Қосимов Я. Тилла балиқчининг толеи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1986. - 12-сон. – Б. 182-184; Қосимов Я. Уйғониш садолари. -Тошкент, 1991; Жабборов А. Ижодкорнинг адабий-танқидий қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. - 3-сон; Холиёров М. Бадиий портрет // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. - 3-сон; Фармонова М. Ҳозирги ўзбек шеърятинида табиатни поэтик талқин қилиш усуллари // Адабий мерос. – Тошкент, 1991. - 2-сон.

<sup>3</sup> Қаранг: Каримов Н. Ҳикмат садолари // Ўзбекистон овози. – 1992. – 29 янв.; Раҳимжонов Н. Диний-ахлоқий ғояларнинг бадиий талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – 5-сон; Холиёров М. Бадиийлик асосий мезон // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993. – 1-сон. – Б. 57-61; Тўлаков М. Давр, лирик қаҳрамон ва бадиият қирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993. – 5-6-сонлар. – Б. 13-18; Қаршибоев М. Ўнганмаган тақдир талқини. – Тошкент, 1995. – Б.23-30; Норбоев Б. Истиклол ва истеъдод тарбияси. – Тошкент, 1996; Қосимов Я. Эркин ижод ва ижод эркинлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1996. – 30 авг.; Раҳмонова М. А.Ориповнинг “Аёл” шеъри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1997. – 4-сон. – Б. 51-52; Афоқова Н., Ғаниев И. Шеър –ҳақиқат даракчиси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. – 5 сент.; Ҳамдамов А. А.Орипов шеърятинида инсонийлик талқинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 2-сон. – Б. 43-45; Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. – Тошкент, 2000; Қозоқбой Йўлдош. Давр яратган шеърят // Ўзбекистон овози. –Тошкент, 2001. – 10 март; Қосимов Б., Эрнарзорова Г. Миллий бадиий тафаккур. – Т., 2004. – 112 б.; Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. – Тошкент: Истиклол, 2005. – Б.74-76; Жабборов Н. Шеърят – руҳ озодлиги. Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 248-255.

ижоддаги маҳорат ва замонавийликни ўз ичига олган муҳим назарий проблемадир»<sup>1</sup>. Шунинг учун ёзувчи ё шоирнинг ижодий камолоти фақат у мансуб давр, шароит, адабий муҳит ва тажриба малакасига боғлиқ бўлмасдан, адабий анъаналарга ҳам бевосита дахлдордир. Шунингдек, улкан талантларнинг камол топишида, миллий адабиётдан ташқари, дунё адабиётида эришилган адабий ва маданий ютуқларнинг ҳам ҳиссаси бўлади. Бу гап тўла равишда Абдулла Ориповнинг шеърятига ҳам тегишли. Зеро, Абдулла Орипов эришган ижодий ютуқларни миллий ва жаҳон адабиёти анъаналаридан ажралган тарзда тасаввур этиш мумкин эмас. Бу муҳим проблемани ёритишда ҳам ўзбек адабиётшунослигида муайян ишлар амалга оширилган<sup>2</sup>. Биз ўз диссертациямизда Абдулла Орипов шеърятининг бевосита адабий анъаналарга боғлиқ характер-хусусиятлари ва анъана заминида эришилган бадиий кашфиётларини махсус тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик. Буни тўрт йўналишда кўздан кечирдик:

- шоир ижодига халқ оғзаки ижодининг самарали таъсири;
- классик адабиётимиз анъаналарининг таъсири: Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Аҳмад Яссавий, Атоий, Саккокий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Машраб ижодига хос поэтик маъно, образ, оҳанг ва тасвирнинг Абдулла Орипов тажрибаларига ўтказган таъсири;
- XX аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода сингари шоирлар ижодининг таъсири;
- XX аср дунё адабиётининг илғор тажрибалари, етакчи эстетик тамойиллари таъсири.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетидаги “Ўзбек (қозоқ) тили ва адабиётининг илмий тадқиқи ҳамда уни ўқитишнинг замонавий технологиялари” мавзусидаги умумий илмий режа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Абдулла Орипов шеърятдаги ғоявий-бадиий ўзига хослик, шоир шеърятининг образлар тизими, шунингдек, шоир санъаткорлигининг намоён бўлиш шакллари поэтлик анъана ва бадиий маҳорат йўналишида ўрганиш тадқиқотнинг бош мақсадини ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидагиларни ёритишни вазифа қилиб белгиладик:

- Абдулла Орипов шеърятда учрайдиган анъанавий поэтик тимсоллар кўламини белгилаш;
- Абдулла Орипов ижодига таъсир кўрсатган адабий манба ва омилларни

<sup>1</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент, 1980. 2-том. – 29 б.

<sup>2</sup> Ҳаққул И. Ибрат ва маҳорат мактаби (Ғ.Ғулом ва А.Орипов шеърятини муносабатига доир) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – 4-сон; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. – Бухоро, 1994; Қосимов Б., Эрнazarова Г. Миллий бадиий тафаккур. – Т., 2004. – 112 б.

аниқлаш;

- шоирнинг анъаналарга муносабатидаги ижодий ўзига хослигини кўрсатиб бериш;

- мумтоз ва ҳозирги замон шеъриятида акс этган маънавий-ахлоқий қадриятларга шоирнинг янгича баҳо ва талқинларини кўрсатиб бериш;

- шакл ва мазмун мутаносиблигига кўра шоирнинг анъаналарга муносабати мезонларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** А.Ориповнинг шеърий тўпламлари ва тўрт жилдлик танланган асарлари асос қилиб олинди. Қиёсий материал сифатида ўзбек ва жаҳон адабиётидаги, шунингдек, туркий халқлар фольклоридаги бир қатор асарларга мурожаат этилди.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** ҳозирги адабиётшуносликда эришилган илмий-назарий ютуқлар ва янгича қарашлар ташкил этади. Ишда И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров, Н.Худойберганов, И.Ғафуров, И.Ҳаққулов, Н.Раҳимжонов, Н.Афоқова, С.Мелиев каби олимларимизнинг илмий фикр ва хулосаларига суяндиқ. Тадқиқотда қиёсий-тарихий методга таянилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар.**

1. Абдулла Орипов шеъриятида фольклор поэтикасига хос хусусиятлар тадрижи, уларнинг бадиий-эстетик функциялари.

2. Халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, замонавий адабий жараён намуналаридаги мотив ва образларнинг қайта яратилиш имкониятлари, бундаги ўзига хосликлар.

3. Ғоявий-эстетик анъаналарнинг поэтик тафаккур тадрижига таъсири, унинг индивидуаллашув жараёни.

4. Шаклий-поэтик ҳодисаларнинг алоҳида бир ижод жараёни билан мослик даражалари. Бунда ижодкор маҳоратининг намоён бўлиш шакллари.

5. Адабий анъанага ижодий муносабат, унинг шакл ва кўринишлари.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги.** Абдулла Орипов ижодини миллий ва байналмилал анъаналар фонида илмий жиҳатдан махсус ўрганиш илк маротаба амалга оширилмоқда. Тадқиқот давомида Абдулла Ориповнинг юксак поэтик таланти ва бадиий кашфиётларига асос бўлган манба ва омиллар муайянлаштирилди. Шоир ижодидаги айрим поэтик маъно ва тимсолларнинг генезиси аниқланди. Баъзи образларнинг ривожланиш доирасидаги хусусият ва ўзига хослиги кўрсатиб берилди.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Миллий мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан маънавий мерос ва адабий жараёнга ёндашиш ўзига хос бир тажрибадир. Бу тажриба натижалари ушбу йўналишдаги бошқа ишлар учун ҳам назарий асос вазифасини бажариши мумкин. Тадқиқот анъана ва бадиий маҳорат муаммоларининг умумлашмаларига оид тегишли хулосаларни ўртага қўйган. Унда Абдулла Орипов ижодининг ўзига хослиги кўрсатиб берилган. Илмий иш натижаларидан адабиётшуносликка оид назарий тадқиқотларда, дарслик ва қўлланмалар, шунингдек, Абдулла

Орипов ҳаёти ва ижодини ёритишга оид илмий-методик ишланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертациянинг асосий хулосалари эълон қилинган 9 та мақола ва 1 та рисолада ўз аксини топган. Улардан “Ўзбек адабиёти”, “Истиклол даври адабиёти”, “Ижод психологияси” сингари ўқув фанларидан маъруза ва амалий машғулотларни ўтишда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқотнинг синовдан ўтиши.** Диссертация мавзуи Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгаши, ЎзР ФА Ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи хузуридаги Адабиётшунослик бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида тасдиқланган. Тадқиқот иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедраси йиғилишида ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти “XX аср адабиёти” ва “Ҳозирги адабий жараён” бўлимлари қўшма мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Жаҳон адабиёти ва назарияси” кафедраси семинарида муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланган. Иш юзасидан илмий-назарий конференция ва семинарлар (1996-2007)да маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Ишнинг асосий мазмуни “Тимсол – сўз ва маъно асоси” номли рисолада, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Педагогик таълим” журналлари, илмий тўплам ва конференция материалларида чоп этилган тўққизта мақолада ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти фаслни Ҷз ичига олган уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми компьютер ёзувида 154 саҳифадан иборат.

## ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, методологик асоси, илмий-назарий ва амалий аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Диссертациянинг биринчи боби «**Адабий анъана ва шеърятдаги янгилаш тамойили**» деб номланган. У икки фаслдан иборат. «**Фольклор анъаналари ва ижод эволюцияси**» деб номланган биринчи фаслда шоир ижодига халқ оғзаки ижодиётининг таъсири муаммолари ўрганилади.

Дунёдаги ҳар қайси халқ ва элатнинг ўзига хос оғзаки ижодиёти бор. Бу ижодиёт ўша халқ ёки миллатнинг бебаҳо тафаккур хазинаси, миллий ҳис-туйғуларининг сарчашмаси, ҳофиза ва хотира манбаидир. Ўзбек халқи ҳам ўзининг орзу ва армони, шодлик ва қайғуси, маънавий куч-қуввати ва нурли келажак ҳақидаги фикр-қарашларини гоҳ кўшиқ, гоҳ дoston, гоҳида эртақ, афсона, ривоят шаклларида ифодалаб келган. Мақол, матал ёки ҳикматли



сўзларни ўқиган киши, албатта, халқимизнинг донишмандлиги, ҳаёт ҳодисаларига доимо ҳаққоний баҳо бера билганлигига қойил қолади. Оғзаки ижодиёт намуналари аждодларимизнинг урф-одатлари, маросимлари, диний ва мифологик тасаввурларини чуқур англашга кенг йўл очади.

Ёзма адабиётдаги қанчадан-қанча нодир иборалар, қуйма ифодалар, поэтик образ ва тасвир усуллари бевосита фольклор асарлари заминидан пайдо бўлган ва ўзининг янги ҳаётига эришган. Халқ оғзаки ижодиёти намуналарига хос самимиятнинг очиқ ифодаси, соддалик ва табиий оҳангдорлик ёки рангинликдан илҳомланмаган санъаткорни топиш мушкулдир. Шунинг учун оғзаки ижод барча замон ва даврларда ҳам ёзма адабиётнинг ривожини белгилайдиган бош манбалардан бири бўлиб келган ва доимо шундай бўлиб қолади. Бу фикр ўтган асрнинг олтмишинчи йиллар ўзбек адабиётига ҳам тўла тааллуқли. Энг муҳими, фольклор тажрибаларига таяниш халқ ва юрт дарди билан куйиб-ёнган ижодкорларни ростлик, дадиллик ва жасоратга чорлаганлиги эди. Эҳтимол, мана шунинг учун ҳам Абдулла Орипов «Халқ оғзаки ижодига беписандлик адабиётдан йироқликдир»<sup>1</sup>, деган қатъий хулосани илгари сургандир. Чунки у, биринчидан, илк болалик чоғлариданоқ халқ оғзаки ижодининг намуналари билан ошно бўлган, улардаги поэтик гўзалликни чуқур ҳис қилган. Иккинчидан, энг жонли, ҳаққоний ва таъсирчан образли ифодаларни бўлажак шоир дастлаб халқ шеърятини намуналарида учратган. «Онам табиатан ғоят таъсирчан аёл эдилар, -дея хотирлайди шоир, - ўчоқ бошидами, тандир ёнидами иш билан машғул чоғларида қадимий маҳзун байтларни такрорлашлари ҳанузгача эсимдан чиқмайди:

*Гулираънонинг тагида ювма сочингни, ювма сочингни,  
Шахло кўзгинангдан тўкма ёшингни, тўкма ёшингни,  
Шахло кўзингдан тўксанг ёшингни, тўксанг ёшингни,  
Оларман-да кетарман ёлғиз бошимни, ёлғиз бошимни»<sup>2</sup>.*

Шоир бошқа бир ўринда эса халқ шеърятига хос табиийлик, қуймалик ва образлиликка юксак баҳо беради<sup>3</sup>.

Абдулла Орипов ижодида фольклор намуналаридан илҳомланиш халқ мақолларига муносабатдаёқ яққол кўзга ташланади. “Шоҳ ва гадо” деб номланган шеърда халқ томонидан кенг қўлланиладиган бир мақолдан моҳирлик билан фойдаланилган:

*Ғайбдан садо келди: - Тингла, эй банда,  
Барчангга яратгум ягона макон.  
Бир-биринг камситиб қилма шарманда,  
Сийланган жойида азиздир инсон.*

Айни мана шу мақол воситасида шоир бошқа бир шеърда фикрнинг

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. – Тошкент, 2001. 4-жилд. – Б. 74.

<sup>2</sup> Юқоридаги асар. – Б. 140.

<sup>3</sup> Юқоридаги асар. – Б. 231.

ниҳоятда сиқик, байтларнинг куйма, маънонинг теран бўлишини таъминлаган. Шунингдек, «Изҳор» шеъридаги мана бу сўзларга эътибор қилайлик:

*Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,  
Қанча манзилларда туздим ошиён.  
Ва буюк ҳикматга охир юз бурдим:  
Сийланган жойида азиздир инсон.*

Байт якунидан олдинги мисрадаги «буюк ҳикмат» ифодаси халқ мақолига ишоратдир. Лекин шоир ундан шу даражада моҳирлик билан фойдаланганки, байтда мақол мазмуни янада очилиб, аниқроғи, шахслантирилгандай таассурот уйғотади. Бу мақолнинг нисбатан қадимийроқ шакли Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида «Эр тилаган ерда азиз»<sup>1</sup> шаклида учрайди.

Мақоллардан фойдаланиш шоир ижодидаги мунтазам эстетик ҳодисалардан бирига айланган деб айта оламиз. Улар бир шеърнинг туғилишига туртки вазифасини адо этса, айрим шеърларнинг мантиқий хотимаси, худди юқоридаги мисолларда кўрганимиздай, шу мақолга алоқадор бўлади.

Шоирнинг «Қасам дара» шеъри соф ўзбек характерини акс эттириши билан диққатга молик. Ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир фикр ўзбекона. Анъанавий образ ва тасвир унда бир қарашда кўзга ялт этиб ташланмайди.

Агар ўзбек халқи мансуб бўлган туркий қавмлар ҳаётига, шу ҳаёт тарзи тақозо этадиган анъаналарга эътибор бериладиган бўлса, шеърнинг қадимий қарашларга нақадар уйғун эканига иқроор бўлиш мумкин. Диссертацияда «Қасам дара»да ёритилган мотивнинг қадимги туркий халқлар фольклорига, илк ёзма обидаларида катта ўрин тутганлиги ва бу анъананинг Абдулла Орипов ижодида қандай давом топганлиги таҳлил этилган.

Умуман, Абдулла Орипов ижодида халқона оҳанг, образ ва тасвирлар доимо шоирнинг бадиий-эстетик мақсад ва вазифаларига уйғун келган. Бунда бир қатор ўзига хосликларнинг мавжудлигини қайд этиш лозим:

1. Абдулла Орипов халқ оғзаки ижодига хос бўлган тасвир усуллари, мотив ва образлардан баъзан онгли равишда, баъзан онг ости қатламларидаги интуитив сезим кучи билан фойдаланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам улар шоир тасаввур кучининг кенглиги, туғма шоирлик истеъдод имкониятлари туфайли табиий ва қуйма сатрлар тарзида намоён бўлади.

2. Қадимги туркий фольклор анъаналарида мавжуд бўлган тасвир хусусиятларининг ўзбек муҳитидаги инъикоси сифатида эпик тасвирдаги мотив ва ифодалар индивидуал ижод қонуниятлари билан омикталашган шаклга эга бўлади. Бунда қадимий оҳангларнинг акс-садолари замонавий талқинлар билан ёнма-ён ҳолда яшай олади.

3. Лирик тасвирларда бу ҳолат кўпинча айрим ифодаларнинг янгича талқинларида, халқ мақоллари, турғун бирикмаларнинг қўлланишида кўзга

<sup>1</sup> Гулханий. Зарбулмасал ва ғазаллар. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б.46.

ташланади. Шундай ҳолларда ҳам мақолнинг қўлланишида янгича маъно нозикликлари юзага келади, уларнинг умумий матн билан алоқадорлигида эса маҳорат қирралари кўзга ташланиб туради.

4. Абдулла Орипов халқ оғзаки ижодидаги баъзи ғоя, мотив, образлардан ижодий фойдаланиш билан кифояланмасдан, фольклордаги тасвир принципларини замонавий шеърятга ўз ўрнида татбиқ қилиш жиддий ва кутилмаган ижодий самара беришини амалда исботлай олди. Бу ҳолат охир-оқибатда шеърнинг мутлақо янги ва кучли жарангга, тақдорланмас поэтик кучга эга бўлишини таъминлайди.

5. Шоир ижодида фольклор поэтикасига хос бўлган принципларнинг юзага чиқиши тасодифий эмас. Улар яхлит тизим сифатида намоён бўлади. Бу шоирнинг соф лирик асарлари учун ҳам, эпик яратмалари учун ҳам бир хилда хосдир.

**«Ғоявий-эстетик тажриба ва поэтик тафаккур равнақи»** номли навбатдаги фаслда Абдулла Ориповнинг мумтоз адабиёт анъаналарини ижодий ўзлаштириш муаммолари атрофлича тадқиқ этилган. Унинг бир қатор шеърлари борки, номланишиданок уларнинг ўтмиш адабиёти вакиллариининг ижодий тажрибаларига боғлиқлиги осон англашилади. Бунда шоир муайян адиб ёки ижодкорнинг номини эслатади, унинг асарларини қайд этади ёхуд айрим қаҳрамонларини ўз бадиий-эстетик ниятини ёритишга жалб этади. Бунга «Сен Пушкиннинг севган малаги», «Генетика», «Ўзбекистон», «Бобур», «Оломонга», «Алвидо, устоз», «Ҳамид Олимжон хотирасига», «Алишер», «Алишернинг онаси», «Абдулла Қаҳҳор», «Паҳлавон Маҳмуд қабри қошида», «Созим», «Баҳор», «Пушкин», «Фурқат», «Альбомга», «Муножотни тинглаб», «Озарбайжон», «Маяковскийга», «Армон», «Маломат тошлари», «Сергей Есенинга», «Ереван кўчасида» каби шеърларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Абдулла Орипов кўплаб адибларнинг номини шеърини асарларида эслайди. Улар орасида Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Низомий, Фузулий, Насимий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Машраб, Фурқат, Муқимий, Ҳамза ва бошқаларни кўриш мумкин. Албатта, муайян шоир номининг тилга олиниши шу ижодкордан ижодий ўрганишнинг ташқи белгиси сифатида қабул қилинмаслиги керак.

Абдулла Орипов учун Алишер Навоий буюкларнинг буюги, устозларнинг устози, унинг "ижоди ва фаолияти улуғ бир уммондир"<sup>1</sup>. Чунки Навоий "ўз жоду санъатини, ғазалиётини фақат санъат беазаги учунгина эмас, балки аниқ муроду мақсадлар учун, эзгу ғоялари, ниятлари учун хизмат қилдирган"<sup>2</sup>. Энг муҳими, "Данте италян тилини халқаро йўқламада нечоғлик барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани - жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо" этган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилдлик. - Тошкент, 2001. 4-жилд. – Б. 129.

<sup>2</sup> Ўша китоб. – Б. 130.

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилдлик. - Тошкент, 2001. 4-жилд. – Б. 118.

Маълумки, Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётини энг юқори босқичга кўтарган мутафаккир санъаткордир. Шунинг учун ҳам Навоий ҳақли равишда “ғазал мулкининг султони” деб эътироф этилган ва ундан кейин яшаб ижод этган халқимизнинг деярли барча истеъдод соҳиблари Навоийнинг санъат мактабидан сабоқ олишган. Бу масалада адабиётшунослик, айниқса, навоийшуносликда жуда кўп қимматли фикр-мулоҳазаларнинг илгари сурилишига сабаб ҳам ана шу. Зеро, Навоийнинг ижод мактабидан таълим олиш, буюк мутафаккир шоир тажрибаларига таяниб дид, савия ва маҳоратни юксалтириш ҳар бир истеъдод учун ижодий муваффақиятнинг дахлсиз гаровидир. Чунки Навоий шеърларининг таъсири ва илҳомлантириш жозибаси мутлақо бошқача. Улардаги фалсафий мушоҳадалар, ҳаёт, давр ва инсон тақдири хусусидаги кутилмаган хулосалар, бир-биридан жонли ва гўзал тасвирларни иккинчи бир шоирда учратиш қийиндир. Худди шунинг учун ҳам Абдулла Орипов мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллариغا нисбатан Алишер Навоий шеърлятига қаттиқ боғланган ва ижодининг илк даврларидаёқ ёшларни Навоийнинг "улуғ мактабидан" сабоқ олишга чорлаган эди<sup>1</sup>. Масаланинг муҳим томони шундаки, Абдулла Орипов бу улуғ мактабдан сабоқ олиш қандай ибратли ва олий натижалар беришини амалда исботлай олди. Шу боис ҳам унинг ҳазрат Алишер Навоийга муносиб издош эканлиги бугун ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Ҳақиқатда ҳам ўзни таниш, ўзининг мустақил ижодий қиёфасини топишда мумтоз адабиёт вакиллариининг таъсирларини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Абдулла Орипов "Созим" деган шеърда бежиз:

*Хаёл каби кенг эрур олам,*

*Майда гапни кўтармагай шеър.*

*Керак бўлса менинг учун ҳам*

*Жавоб берар бобом Алишер,* - демаган. Чунки у шеърни

майда фикр ва юзаки ҳис-туйғулардан ҳимоя қилиш малакасини улкан санъаткорлардан, биринчи навбатда, Алишер Навоийдан ўрганган. "Мен, - дейди шоир, - Навоийдан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқчадай ўйнатишни ўргандим. У киши мазмун ифодасининг устаси. Шеър айтиш мумкин, лекин шеърни мазмун билан фақат Навоий қойиллатиб айтади"<sup>2</sup>. Чунки Навоий бутун ижодий фаолияти давомида маъно ва мазмун устунлигига асосланиб, ҳар қандай шеърини шакл маъно учун восита эканлигини намойиш қилишга эришганди. Маъно олами – Навоий учун изланиш, фикран ва руҳан ҳаракатда бўлиш ва кашф этиш олами эди. Фикр ва мазмун Абдулла Орипов шеърлятида ҳам инсонни, замонни, олам сир-асрорларни билиш эҳтиросидир. Унинг шеърларида фикр, энг аввало, ҳақиқат, изтироб, дунёнинг минг бир зиддиятлари қаршида ҳайрат ва ҳайронликдир. Шоир шеърларидаги маъно ва мазмун яхшилик ва гўзалликка

<sup>1</sup> Орипов А. Устозлар сабоғи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1966. - 11-сон.

<sup>2</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилд. – Б. 62.

этикод, ёмонлик ва қабоҳатнинг ҳар қандай кўринишига нафратни ифода қилади. Абдулла Орипов шеърларидаги ғоя ва туйғулар шеърхонга табиат, замон, тарих сирларини очади. Шунинг учун унинг шеърлятида янги фикр ва мазмун юқори мавқеда туради, поэтик образлар, тасвир воситалари, рамз ва мажозлар ҳам ҳеч бир шоир томонидан кашф этилмаган мазмун ёхуд моҳиятнинг таъсирчанлигига хизмат эттирилади. Худди Навоийнинг лирик қаҳрамониغا ўхшаб, Абдулла Ориповнинг лирик "мен"и ҳам табиатан файласуф ва мутафаккир. У ўзини билишга, ички оламини чуқур мушоҳада қилишга алоҳида аҳамият беради. Бу ундаги энг кучли маънавий кайфиятдир.

Алишер Навоий - биринчи навбатда ишқ ва муҳаббат куйчиси. Ишқ-муҳаббат улуғ шоир ғазалиётида бош мавзу ва сарбон туйғудир.

"Ғазал ёзмасам ҳам, - дейди А.Орипов, - Навоий бобомиз асарлари мутолаасидан чарчаганим йўқ. У кишининг бирор байти ёки мисрасини ҳар ўқиганимда, янги-янги қирраларни кашф қиламан..."<sup>1</sup>. Худди ана шу кашф этиш салоҳияти Абдулла Ориповнинг муҳаббат изтироблари ифодаланган шеърларида ниҳоятда ёрқин намоён бўлади.

Муҳаббат мавзуси унинг шеърлятидаги энг гўзал ва нурли саҳифаларини ташкил этади, десак асло хато қилмаймиз. У ишқ мавзуида ёзган шеърлари билан замонавий ўзбек шеърлятида муҳаббат лирикасининг бекиёс куйчиси сифатида танилди ва тан олинди. Абдулла Орипов учун муҳаббат ўткинчи бир завқ, руҳий бир ҳузур, умри қисқа эҳтирос эмас, балки инсон мавжудлигининг асоси, умр ва ҳаёт моҳиятининг зиёсидир.

Диссертацияда Абдулла Ориповнинг Алишер Навоий тажрибаларидан илҳомланиб, ўзининг лирик шеърларидагина эмас, балки дostonларида ҳам характерли ижодий ютуқларга эришганлиги кўрсатиб берилди ва «Жаннатга йўл» драматик дostonига алоҳида тўхталинди. Шунингдек, тадқиқотда ошиқ, маъшуқа образларининг поэтик тадқиқи ва талқини борасида ҳам мулоҳазалар билдирилган.

Абдулла Орипов шеърлятининг баркамол бир шаклда намоён бўлиши мумтоз адабиётимиздаги образлар тизимининг, тасвир принципларининг ўзига хос тарздаги қайта жонлантирилиши билан ҳам боғлиқ. Муҳими, шоир анъаналар ичида кўринмай кетадиган ҳолатдан сақланиб, шу улкан уммон ичидан ўзига тегишли дуру жавоҳирларни териб, уларга моҳирлик билан сайқал берар экан, шу жараёнда бу дурдоналарнинг фақат ва фақат ўзига мансублигини ҳам исботлаб бера олган.

Иккинчи боб «**Анъанавий поэтик тимсоллар ва тасвирийлик**» деб номланади. Унинг илк фаслида «**Поэтик образ: моҳият ва маҳоратдаги ўзига хослик**» масалалари ўрганилган.

Абдулла Орипов ижодининг дастлабки ва ундан кейинги босқичларида нафақат Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб сингари ўтмишдаги санъаткорларнинг, балки ХХ аср ўзбек адабиётининг устоз

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилд. – Б. 232.

шоирлари - Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби ижодкорлар бадиий кашфиётларини ҳам ижодий ўзлаштирган. Буни исботлашга ёрдам берадиган далиллар шоирнинг мақола ва адабий суҳбатларида учрайди.

У "Баҳор" шеърида Ғ.Ғуломни "сурур куйчиси", "донгдор замондош" деб таърифлайди. Бу сурур - маънавий-руҳий, тарихий-фалсафий сурур, албатта. Ғ.Ғуломни санъаткор сифатида "донгдор замондош" мавқеига кўтарган, миллий ғурур куйчиси бўлишга чорлаган фазилатлар ҳам, энг аввало, ана шулардир. А.Орипов бир адабий суҳбатида "Мен С.Вурғун, Ғ.Ғулом шеъриятида шоир шахсиятининг кўринишини ўрганияпман"<sup>1</sup>, - деган эди. Ғафур Ғулом шеъриятида эса, биринчи галда, шарқона донишмандлик, зукколик, тафаккур кенглиги кўзга ташланиб турган. Табиийки, бу жиҳатлар А.Ориповнинг зийрак нигоҳидан четда қолмаган. А.Орипов шеъриятда ўз мактабини яратган Ғ.Ғуломнинг санъатхонасига чуқур кириб бормаганида, унинг сир-асрорини ички, яъни ботиний ижодий эҳтиёжларига мувофиқ тарзда ўзлаштирамаганда, бизнингча, у бунчалик улкан ютуқларга эриша олмаслиги ҳам мумкин эди.

Зеро, ҳар бир санъаткор ижоди минг бир булоқдан сув ичади. Асрлар давомида куйлаб келинган абадий ва ўлмас мавзуларнинг ҳар бир ижодкор ижодида ўзига хос янгича оҳанг, янгича тасвирларда жилоланиши ҳам шундандир. Масалан, ватан мавзусини олайлик.

Ҳар бир улуғ шоирнинг ишонган боғи, суянадиган тоғи шак-шубҳасиз унинг жонажон Ватанидир. Туғилиб ўсган замин унинг учун ҳар нарсадан муқаддас ва илҳомбахш. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов "Ўйларим" деган шеърида: "Ватан! Бор қисматим шу бир сўзда ҳал", - деган эди. Унгача ҳам Ватан ҳақида шеърлар битиб, уни улуғвор оҳангларда мадҳ этган шоирларимиз кўп бўлган, албатта. Шу маънода Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода ва Миртемир шеърияти бадиий ижод майдонига кириб келган талантларга, жумладан, Абдулла Орипов учун ҳам ўрнатилган ва маҳорат мактаби эди. Ватан мавзусини ёритишда Абдулла Орипов устозларидан (масалан, тилда, образли тасвир ва оҳанг яратишда) ўрганган, лекин у тақлидга ён бермаганидек, такрорга ҳам йўл қўймаган. Бунинг ҳам албатта, ўзига хос сабаблари бор.

Биринчидан, Абдулла Орипов - улкан талант. Талантли шоир эса, қайси мавзуда қалам тебратмасин, ҳамиша ўз сўзини, яъни янги фикр - туйғуларини акс эттиради.

Иккинчидан, Абдулла Орипов юрт тарихи ва тақдирини ўзича мушоҳада этади, ўзича кўради. Шунинг учун Ғафур Ғулом ва Ойбек, Шайхзода ва Миртемир нигоҳидаги Ватан билан Абдулла Орипов тасаввуридаги Ватан маълум фарқланишларга эга.

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилд. – Б. 60.

Миллат, тил, тарих, дин тушунчалари бўлмаса, *Ватан* сўзи ўз-ўзича мукамаллик касб этмайди. Шоирнинг дастлабки ижод намуналаридан бўлган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърини ўқиган киши Ватан деган тушунчанинг туб моҳияти халқ қисмати ва ҳақиқатлари орқали ёритилганлигига иқдор бўлади. Унинг:

*...Юртим, сени фақат бойликларинг-чун*

*Севган фарзанд бўлсам, кечирма асло!* - деган сатрлари худди қасамдай янграйди. Шўро замонида юрт ва миллат тўғрисидаги ҳақиқатни тўла-тўқис ифодалаш имкони йўқ эди. Тилдан, тарих ва кадриятлардан баҳс юритиш ҳам ёзилмаган қонунларга кўра чекланган эди. Шу боисдан аксарият шоирлар Ватан ва миллатини бахт, бахтиёрлик, улкан зафарлар оғушида тасаввур этар, ёзган шеърлари ҳам сохта кўтаринкиликка асосланар эди. Абдулла Орипов шеърларида эса “Ватан” сўзи-асосий сўз ва бош тушунча бўлиб қолмасдан, миллий ҳис-туйғу ва ҳақиқатларни очиқ кўрсатадиган калит ҳамдир. Унинг Ватан ишқи ва дарди билан йўғрилган шеърларининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, уларнинг ҳар бири у ёки бу даражада шеърхонни ўзлигини билишга, “Сен кимсан?” “Аждодларинг ким?” “Эрк ва ҳуррият бешинг қанда?” деган саволларга мустақил жавоб излаш ва топишга ундайди. Ана шу маънода унинг Абдулҳамид Чўлпоннинг издоши сифатида таърифланиши<sup>1</sup> эътирозга сабаб бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Тарих ва тарихий воқеалар, тарихий шахсларнинг жуда мураккаб муаммо ва масалаларига ишорат этиш Абдулла Ориповнинг севган усулларидандир. Кўп шеърларида, жумладан “Ўзбекистон” қасидаси ва “Юзма-юз” манзумасидаги айрим ишоратларни журъат ва шижоат нишонаси десак, муболаға бўлмайди. “Ўзбекистон” қасидасида шоир босқинчилар ва босқинчиликни қоралаб:

*Ҳар учраган нокасу нодон,*

*Она халқим, ёқангдан тутди,* - дейди. Сезгир ўқувчи эса “ҳар учраган нокасу нодон” сўзлари фақат араб ёки мўғул босқинчиларига тегишли эмаслигини осон илғайди. Бошқа бир шеърдаги:

*Босқинчи сўзининг маъноси шулки,*

*Нонга тўйганда ҳам, тўймас маконга* байти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов Ватан ҳақидаги шеърлари билан кўҳна мавзунини туб моҳияти билан янгилаш ва унинг ҳеч бир шоирниқига ўхшамайдиган тасвирларини яратишга муваффақ бўлган эди.

Диссертацияда Кўнгил, Дунё, Бозор, Замон образларининг бадиий талқинлари тадқиқига ҳам алоҳида саҳифалар бағишланган.

Бобнинг иккинчи фаслида «**Табиат билан боғлиқ образлар тасвирида анъана ва кашфиёт мутаносиблиги**» ўрганилган. Табиат билан тил топишиш инсонни маънавий қашшоқликдан халос этади, деган фикр бор.

Ҳақиқатан ҳам табиат - «илоҳий маскан», унга беписанд қараш, уни

<sup>1</sup> Қосимов Б., Эрназарова Г. Миллий бадиий тафаккур. – Тошкент, 2004. – Б. 89.

севмаслик инсон бошини кўп балоларга дучор этади. Инсон она табиатдан йироқлашса, ўзини билишдан узоқлашади ва қалби камбағаллашади. Демак, табиатдаги ҳар бир ўзгариш ёки ҳодиса инсон тақдири билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳаётдаги у ёки бу ўзгаришлар: қувонч ёки қайғу, алам, йўқотишлар табиат фаслларига қиёсан очиб берилади. «Баҳор тилаклари» шеъри шундай сатрлар билан бошланади:

*Нечун кўклам мадҳи тушмас газалдан,  
Шоирлар баҳорни куйлар азалдан?*

Шеър давомида шоир шу саволга жавоб беради. Яъни: Баҳор - ишқ фасли, ошиқлар баҳорда «зангори кенгликка боқиб», «кўшиқлар айтади бағрини ёқиб».

Баҳорда табаррук чолларнинг чаккасида ҳам ҳам гул кўрасиз. Демак, «момоларнинг ўйида» ҳам, кўнглида ҳам баҳор нашидаси ташриф буюради.

*Азизим, гунчага назар сол бир он,  
Бағрида ҳозирча турфа ҳол пинҳон.  
Ранглар яшар унда балки пушти, оқ.  
Ажаб, тикони ҳам ҳозирча юмшоқ.  
Тонг чоғи шаббода кўтаради бош,  
Оҳ, нечоғ латифу нечоғли юввош.*

Хуллас, «Баҳор норасида гўдакдай ширин» ҳамда унинг «қўйнида эзгулик, армон яширин» бўлганлиги учун ҳам ушбу фасл азал-азалдан шоирларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади.

Абдулла Ориповнинг баҳор ҳақидаги ҳар бир шеъри маъно жиҳатдан ҳам, туйғу, оҳанг ва ифода нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос хусусият ва янгиликларга эга. Унинг, айниқса, «Баҳор» манзумаси алоҳида эътиборга моликдир. Ушбу шеърда шодлик ва қайғу, висол ва ҳижрон, севги ва ҳасрат, ғам ва умид ўзаро уйғунлашиб кетган. Шеърнинг умумий оҳанги эса ана шу ҳаётий мураккаблик ва уйғунликдан туғилган. Шунингдек, «Яна баҳор келди»... деган оддий хабар билан бошланган мазкур шеърда табиат кўринишлари ва инсон руҳий ҳолатлари, ҳаёт ва ўлим ҳақиқатлари, хотира ва кўмсаш ҳиссиётлари ажралмас бирликка эришган.

Мумтоз адабиётимизда куз, хазон, хазон япроғи каби тимсолларда ҳижрон, ошиқ қалбининг турли-туман азоб ва ҳасратлари тасвирланган. Диссертацияда Абдулла Ориповнинг айна шу образлар талқинидаги янгиликлари ёритиб берилган.

Шоир севиб қўллаган ел (шамол), юлдуз каби образлар таҳлилига ҳам ишда алоҳида ўрин ажратилган.

Адабиётда янги йўл топиш ва ғоявий-бадиий янгилик яратиш осон иш эмаслиги маълум. Шунинг учун анъана тўғрисидаги фикрлар ҳамма вақт кашфиётчилик хусусида ўйлаш ва сўз юритиш билан уйғунлик топиб келган. Зеро, «... новаторлик санъат ва адабиётда ғоявий-бадиий жиҳатдан формани янги имкониятлар ҳисобига бойитиш демакдир. Реал воқеликда поэтик фикрда, тасвирий воситаларда ҳам ҳеч ким ишлатмаган ва кўрмаган



томонларни биринчи бўлиш ишлатиш, кўриш қобилиятига эга бўлишдир»<sup>1</sup>.

Абдулла Орипов шеърлятига мана шу нуқтаи назардан ёндашилиб баҳо бериладиган бўлса, уни ҳақиқий янгилик яратувчи, яъни кашфиётчи шоир дейишга тўла асослар мавжуддир.

Учинчи бобда **«Фалсафий-маърифий маъно ва бадий ифода муштараклиги»** муаммолари таҳлилга тортилади. Унинг биринчи фасли **«Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва замонавийлик»** масалаларига бағишланган.

Ҳар бир халқнинг адабиёти унинг миллий руҳи, тафаккур тарзи, устозлар тажрибаси, ахлоқий-маънавий, диний-илоҳий тушунча ва қадриятларига таянади. Шунинг учун буларни назардан четга суриб адабий жараён моҳиятини белгилаш ҳам, адабий анъаналарнинг бадий ижоддаги роли ва аҳамиятини тўғри баҳолаш ҳам мумкин эмас. Таниқли рус адабиётшуноси А.Бушминнинг: "Адабиёт ўзининг қонуний тараққиёт ҳаракатида ўтмишда эришилган фикр тажрибасини ўзлаштиради (ассимиляция қилади)"<sup>2</sup>, – деган фикри ҳам буни тасдиқлайди. Зеро, бадий ижодда маъно, туйғу ёки ҳақиқат йўқ жойдан кашф этилмайди. Бунда дин ва фалсафа, маърифат ва маънавият, тафаккур ва ахлоқий қадриятларнинг ҳам ўз ўрни ва мавқеи бўлади. Ана шу боис ХХ аср охирига келиб тил, тарих, дин ва тасаввуф таълимотига янгидан қизиқиш эҳтиёжи туғилди.

Тасаввуфнинг адабиёт, хусусан, шеърят билан, шеърятнинг тасаввуф билан яқинлашуви тасодифий ҳодиса бўлмаган. Чунки, худди адабиёт сингари, тасаввуф ҳам инсон ахлоқи, кўнгли, руҳи ва тафаккури билан машғул бўлишни қўллаб-қувватлаган. Бундан ташқари, «Тасаввуф билан бадий ижод орасидаги яқинликни суфийлар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам изласа бўлади»<sup>3</sup>.

Албатта, Абдулла Ориповни мутасаввуф ижодкорларга яқинлаштиришга уриниш ёки унинг шеърятидан сўфиёна маъно ва туйғуларни ахтариш тўғри бўлмайди. Лекин унинг шеърятини тасаввуфдан тамоман ажратиб ўрганиш ҳам мумкин эмас. Зеро, бошқа шоир ва ёзувчиларнинг тажрибаларини ҳисобга олмаганда ҳам, Абдулла Ориповнинг Навоий анъаналарига чуқур боғланганлигининг ўзиёқ шоир шеърятининг қайсидир бир жиҳатлардан тасаввуфга яқинлигини ёритишга асос беради.

Абдулла Ориповни сўфийликнинг зоҳирий томонлари қизиқтирмаган, уни моҳият ўзига жалб этган. Бизнингча, Абдулла Ориповнинг шоирлик истеъдодидан кўпчиликнинг ҳайратга тушишига ва унинг шеърларининг зўр қизиқиш билан ўқилишига яна бир сабаб шоир шеърларида дарвешона ҳисларнинг ҳам мавжудлигидир. Дарвешлик ҳақида ёзган олимлар унинг ҳурлик, Ҳақни таниш, маърифат соҳиби бўлиш, хоксорлик, холислик каби хусусиятларини алоҳида таъкидлаган.

<sup>1</sup> Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. – Тошкент, 1969. –Б. 70.

<sup>2</sup> Қаранг: Бушмин А. Наука о литературе. -М., 1980. - С. 152.

<sup>3</sup> Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Тошкент, 1996. – Б. 156.

Абдулла Орипов бир неча шеърларида айнан дарвешона майл ва ҳиссиётларини тасвирлаб берган. Хусусан, унинг

*Бу гулшан водийда мен ҳам бир шамол,*

*Шамол каби келдим, шундай кетурман,* - каби мисралари бунга ёрқин далилдир. Умуман, шоирнинг олтмишинчи йилларнинг ўрталари ва саксонинчи йилларнинг бошларида ёзилган кўпчилик шеърларида ўткинчи дунёнинг майда интилиш ва ташвишларига қарши шиддатли исён мавжудки, буни қарамлик, тобеликдан безиб, хурриятга интилган дарвешваш юрак эҳтироси дейиш мумкин.

Маълумки, дарвешликнинг асосий талабларидан бири «тарки дунё»дир. Дунёни тарк қилган киши кўнгилни дунёнинг ҳамма ташвиши ва ғуссалари, қийинчиликларидан фориғ этади. Таркидунёчиликка чорлайдиган шеърлар мутасаввуф шоирлар ижодида тез-тез учрайди. Абдулла Ориповнинг «Чорлаш» шеъри ҳам моҳият нуктаи назаридан ўша шеърларга яқин, лекин унда эски бир ҳақиқат янгича тарзда ифодаланган. Шеърдаги «кел, бир зумга дунёни унут» деган фикр, аслида, «таркидунё» тушунчасига тенгдир. «Дўсти ғариб» эса «нафс ила дунёга» кўнгил бермаган кишининг тимсоли. Шу ўринда «шоир нега ўқувчини дунёдан қочишга чорламоқда?» деган савол туғилади. Бу саволга мана бу байтда жавоб бор:

*Пастда қолсин нобакор хилқат,*

*Пастда қолсин танбал булутлар.*

Шоир «нобакор хилқат» деганда, нафсоний дунёни назарда тутган. «Танбал булутлар» эса рамзий мазмунга эга бўлиб, у лоқайд, юраги оташ ва зиёдан маҳрум кимсаларга ишорат қилади. Шоир:

*Юрагингда чақнасин фақат,*

*Ёруғ хаёл, самовий ўтлар,* - деганида ҳам ўша «дўсти ғариб» қиёфасида сийрати ёруғ хур инсонга юзлашишни орзу қилган.

«Номаълум одам» шеърининг қаҳрамони табиатан дарвеш тоифага яқин бир шахс. Бу шеърга И.Ғафуров, Б.Норбоев, Я.Қосимов каби тадқиқотчилар махсус тўхталиб ўтишган. Жумладан, Б.Норбоев уни "ўта реалистик асардир" деб баҳолайди. Аммо унинг асосий хулосаси: "бизни фаолликка эмас, жим яшашга ундайди"<sup>1</sup> деган жумлаларда ифодаланган.

Сиртдан қаралганда, бу хулосага кўшилиш жоиздек туюлади, чунки «Номаълум одам» ўз феъл-атвори, дунё воқеа-ҳодисаларига қараши билан ўзи мансуб ижтимоий муҳитдаги «фаол» кимсалардан бутунлай фарқ қилади. Бироқ унинг «жим яшаш»и ва сокинлигида ботиний, яъни маънавий-руҳий фаоллик бор. Шунинг учун у айримлар назарида лоқайд ва сусткаш бўлиб кўринади. Ҳолбуки, унинг кўзларида «Йироқ юлдузларнинг сирли нурлари» порлайди. Унинг маърифати ва донолиги барча «майда ғалва»лар ўткинчи, «бари нокерак» эканлигини англай билганлигидадир. Бизнинг назаримизда, мунаққид М.Қаршибой «Номаълум одам» шеърининг асосий ғоясини, лирик қаҳрамонга хос хусусиятларни тўғри тушунган ва изоҳлаб берган. Биз унинг

<sup>1</sup> Норбоев Б. Истиклол ва истеъдод тарбияси. -Тошкент, 1996. –Б. 47.

«шеър авжида сатрлар улуғ мутасаввуфлар каломига бенихоя ҳамоҳанг бўлиб кетади» деган хулосасига ҳам, «Номаълум одам» қисматига шўро тузуми» кўрсатган таъсир хусусидаги ҳукмига<sup>1</sup> ҳам қўшиламиз.

Абдулла Орипов шеърлятида бир қанча диний-тасаввуфий тушунча ва ҳақиқатлар мавжуддирки, шоир уларни ҳам янгича поэтик усул ва образлар орқали талқин қилиб беришга эришган. Шулардан бири узлатдир. Тасаввуф луғатларида шарҳланишича, «Узлат - фикр одамани оломоннинг фикрсизлик ғавғолари, жаҳолат ва аҳмоқлик ғалваларидан муҳофаза этадиган дахлсиз бир ибодатгоҳ»дир<sup>2</sup>.

«Узлат» шеъри таҳлилида масаланинг шу томонига ҳам диққат қилинди. Шунингдек, ушбу фаслда “Ҳаж дафтари” туркуми хусусида ҳам баҳс юритилди.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «**Абдулла Орипов шеърлятида анъанавий лирик жанрлар ва уларнинг мавқеи**» муаммолари ҳақида фикр юритади. Шарқ шеърляти тарихидан яхши аёнки, бадий ижодда мазмунга нисбатан шакл турғунлик хусусиятларига эга. Шунинг учун бир неча даврлар ёки замонларда яшаб ижод этган шоирлар айни бир шеърӣ жанрга қайта-қайта мурожаат этганлар. Бунда улар танлаган мавзу, образ ва маҳорат усулларида ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланса-да, жанр талаби ва қонуниятларида барқарорлик ҳокимлик қилганлигини илғаш қийин эмас. Масалан, рубоӣ жанрини олайлик. Рубоӣ шарқ шеърлятидаги энг машҳур жанрлардан ҳисобланади. Унда Умар Хайём, Жалолиддин Румӣ, Алишер Навоӣ, Бобур, Мирзо Бедил каби ўнлаб улуғ санъаткорлар қалам тебратиб, жуда катта ижодӣ ютуқларга эришганлар.

Абдулла Орипов «Паҳлавон Маҳмуд қабри қошида» шеърляда, жумладан, шундай дейди:

*Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,  
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим,  
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим,  
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.*

Бу эътирофни буюк рубоӣнавис Паҳлавон Маҳмуд ижодиётидан тиланган мадад сифатидагина эмас, шоирнинг ижодӣ таъсир ҳақидаги шахсий эътирофи сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Чунки Абдулла Орипов Паҳлавон Маҳмуднинг жавонмардлик ғоялари билан суғорилган рубоӣларини чуқур мутолаа қилмасдан, бундай фикрларни айтиши мумкин эмас эди.

Мумтоз шеърлятимиздаги рубоӣларда ташбеҳ, тазод, талмеҳ билан бир қаторда яна кўплаб шеър санъатларининг қўлланиши кузатилади. Улар орасида ирсол-ул масал санъати ҳам тез-тез кўзга ташланади. Абдулла Ориповнинг қатор тўртликларида ҳам фикр ва туйғу ифодасида шу санъат

<sup>1</sup> Қаршибоев М. Ўнганмаган тақдир талқини. – Тошкент, 1995. – Б. 23-30.

<sup>2</sup> Чори И. Тасаввуф луғати // Тафаккур. – Тошкент, 1997. - 1-сон.

жуда моҳирлик билан татбиқ этилганлигини кўриш мумкин. Масалан, куйидаги тўртликда шоир ёзади:

*Дейдилар, ит ҳурар-ўтади карвон,  
Ранжу балоларда ёнмасин жонинг,  
Лекин алам қилар бир умр гирён  
Итлар орасидан ўтса карвонинг.*

Бунда фикр ирсол-ул масал санъати билан бошланган ва айни пайтда шоир кейинги сатрлардаги фикрлар баёнида ҳам «Ит хурар - карвон ўтар» мақолига асосланади. Лекин охириги икки сатрдаги «ит ҳуриб - карвон ўтиш» ҳодисаси шеърхонга фожеона бир тарздаги оҳанг билан етказилади.

Мазкур фикрни Абдулла Ориповнинг «Гадонинг душмани - гадо бўлади» деган халқ мақоли заминиди яратилган мана бу тўртлиги ҳақида ҳам айтиш жоиздир:

*Тингла, бу абадий садо бўлади,  
Гадонинг душмани гадо бўлади.  
Иккови бир-бирин егунича то,  
Ўртада бу дунё адо бўлади.*

Шоир баъзи тўртликларида анъанавий тимсолларга мурожаат қилади. Абдулла Ориповнинг бир тўртлиги:

*Офтоб ботиб кетди, эгилди бошим,  
Юлдуздек сочилди кўзимда ёшим, -* деб бошланади. Юзаки

қаралганда, бу фикрда янгилик йўққа ўхшайди. Чунки Навоийнинг машҳур «Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч куёш» байтида ҳам шунга ўхшаш мазмун ифодаланган. Аммо тўртликнинг кейинги икки мисрасидаги фикрни поэтик кашфиёт дейиш мумкин:

*Ҳажрингда бағримни ерга берурман,  
Тун бир лаҳад бўлса, ой қабр тошим.*

Туннинг «лаҳад»га, ойнинг эса «қабр тоши»га ўхшатилиши ҳам мутлақо янги ташбеҳдир.

Абдулла Ориповнинг ғазаллари фақат мазмунда эмас, балки шаклий-поэтик хусусиятлари билан ҳам классик жанрлар назариясининг асосий талабларига жавоб бера билади. Ҳақиқий ижодкор анъана доирасида туриб ҳам кашфиётлар қилиши мумкинлиги Абдулла Орипов ижоди мисолида яна бир марта тасдиқланади. Биргина ғазал ёки рубоий (тўртлик) шаклининг ўзиёқ шоир учун катта синов майдони бўлганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу анъанавий шакллар орқали ҳам шоир ўз замонасининг энг долзарб муаммоларини юксак бадий шаклларда ифодалаб бера олган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ҳар бир қаламкаш ўзидан олдин яшаб ижод этган адиблардан, ўзигача мавжуд бўлган адабий мерос ва анъаналардан ўзига хос тарзда ижодий фойдаланади. Таъбир жоиз бўлса, ижодкор учун бу ўзига хос илҳом манбаи бўлади. Зеро, рус адабиётшуноси А.Бушмин таъбири билан айтганда, "Ўтмиш даврларнинг буюк бадиий кашфиётлари кўп йиллик ўсимликлар берадиган ҳосилга ўхшайди - ҳар бир авлод ундан ўз ҳиссасини териб олаверади"<sup>1</sup>.

Ҳар бир катта талантнинг бадиий ижодда қад ростлаши адабиёт ривожини учун ҳам, халқ тафаккури ва миллий руҳининг юксалиши учун ҳам такрорланмас ҳодисадир. Лекин бундай истеъдодлар тезда пайдо бўлавермайди - уларнинг дунёга келиши учун баъзан кўп вақт талаб қилинади. XX аср ўзбек адабиётида эса бунинг акси содир бўлди, яъни ўнлаб улуғ санъаткорлар камол топишди. Буларнинг айримлари, масалан, А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар зулм ва ноҳақлик қурбони бўлишган бўлса-да, улар бошлаб берган янгилиниш йўли, ҳаёт ҳодисаларига очиқ кўз билан қараш, уларни тасвирлашдаги журъат, юксак инсонийлик туйғуларининг ёрқин ифодаси, ижодий йўналишлари адабиётимизни тарқатмади. Шунинг учун ўзбек шеъриятида ривожланиш тўхтамади, хусусан, олтинчи йилларда адабиёт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ҳақиқий талантлар даври бошланди. Бу давр, албатта, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Жамол Камол, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби кўплаб ижодкорлар номи ва ижоди билан узвий боғлиқдир. Абдулла Ориповнинг илк ижодий қадамлариданоқ шеърият муҳитида тубдан бир янгилиниш, янги эстетик завқ ва мушоҳада бошланган эди десак муболаға бўлмайди. У ўзининг илк китобини «Митти юлдуз» деб номлаган эди. Лекин йиллар ўтган сайин бу «Юлдуз» ўзининг ниҳоятда нурли ва маҳобатли эканлигини тўла-тўқис намоён эта борди. Бугун эса Абдулла Орипов шеъриятимизнинг энг ёруғ юлдузларидан бирига айланди.

2. Абдулла Орипов бир шеърида шоир умрини «қуён ичида ўсган дарахт»га ўхшатган эди. Ҳар бир дарахтнинг замини бўлганидек, шоирнинг ҳам камол топишини таъминлайдиган ижодий замин бўлади. Бу замин, энг аввало, адабий анъаналар ҳисобланади. Зеро, анъанага суянмасдан, уни ижодий ўзлаштирмасдан бадиий ижодда илгарилаш мумкин эмасдир. Бу ҳақиқат ҳар бир шоир ижодиётида қайта-қайта тасдиқдан ўтади. Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Орипов шеърияти бўйича кўп яхши ва эътиборли ишлар амалга оширилган бўлса-да, бу шеъриятнинг анъанага боғлиқ жиҳатлари махсус текширилмаган. Ҳолбуки, бу масалани ҳисобга олмай туриб, ғоявийлик маъносида ҳам, бадиий маҳорат нуктаи назаридан ҳам Абдулла Орипов ижодиётини холис баҳолаш қийиндир.

<sup>1</sup> Бушмин А. Наука о литературе. Проблемы. Суждения. Споры. – М.: Современник, 1980. - С. 154.

Илмда адабий анъана бадиият қонуниятларига таяниши, у ёки бу шоирнинг адабиётга қўшган ҳиссасини ана шу қонуният талаблари асосида аниқлашга ҳаракат қилиш янгилик бўлмаса-да, Абдулла Орипов ижодини шу йўналишда таҳлил қилиш биринчи мартаба амалга оширилди.

3. Маълумки, йигирманчи аср ўзбек шеърлятида янги ижодий тажриба ва анъаналар вужудга келди. Абдулла Ориповнинг шоир сифатида шаклланиб, камол топишида ана шу тажриба ва анъаналарнинг роли жуда каттадир. Зеро, Чўлпон, Ойбек, У.Носир, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Миртемир сингари шоирларимизнинг ижодий анъана ва маҳорат мактабидан сабоқ олган Абдулла Орипов ўзига хос поэтик олам яратди.

4. Абдулла Орипов халқ оғзаки ижодига хос тасвир усуллари, ғоя ва образлардан фойдаланиб янгича поэтик тафаккур намуналарини яратдики, натижада қадимий оҳангларнинг замонавий поэтик талқини воситасида замондош инсон қиёфасини, руҳиятини очишга эришди. Бу усул XX асрнинг 60-йилларидан ўзбек шеърлятида руҳият тасвирининг етакчи эстетик тамойилга айланиш жараёнини қатъийлаштирди.

5. Ўзбек классик адабиёти намояндалари ижоди, хусусан, Алишер Навоий асарларидан баҳрамандлик туфайли Абдулла Орипов инсон қалби, дунё, замона мураккабликларини поэтик идрок этиш тамойилларни янги босқичга кўтара олди.

6. Абдулла Орипов ижодида табиатдаги ҳар бир ўзгариш ё ҳодиса инсон ҳаётига, унинг тақдирига узвий боғлаб тасвирланади. Инсоннинг кўнглидаги ўзгаришлар, изтиробу қувончлар моҳияти табиат фаслларига қиёсан очиб берилади. Буларнинг барчаси инсон тақдири, орзу-умидлари билан уйғунликда поэтик тадқиқ қилинган. Табиат манзараларига фақат зоҳирий ҳодиса сифатида эмас, балки ўзи яшаб ижод этган давр, ижтимоий-сиёсий муҳит, бадиий-эстетик олам талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашиш, анъанавий рамз ё тимсолларнинг янги маъноларини кашф қилишига майлу рағбат А.Орипов ижодида устуворлик касб этгандир.

7. Абдулла Ориповнинг тасаввуф доирасидаги ахлоқий-маърифий ҳамда бадиий-эстетик тасаввур ва талқинлари тасодифий эмас. Балки, унинг ижоди учун хос бўлган чуқур фалсафийликнинг янги тарихий шароитда юзага чиқиш шаклидир.

Анъана ҳақида гапирганда кўпинча ғоя, образ ва тасвир усуллари атрофида баҳс юритилади. Лекин туйғу ва руҳоният анъанаси ҳам борки, биз у ёки бу тимсол хусусидаги қиёсий таҳлилларимизда ана шу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор бердик. Худди мана шунинг учун ҳам Абдулла Ориповнинг руҳан тасаввуфга яқинлиги ва муносабати тўғрисида фикр юритиш зарурияти туғилди. Бундан ташқари, Абдулла Орипов бутун ижоди мобайнида инсоннинг инсонлик шарафини белгилайдиган ахлоқий, фалсафий муаммоларни бадиий тадқиқ қилишда алоҳида ўрнатилган кўрсатиб келаётган шоирларимиздандир.

8. Абдулла Орипов ҳатто энг анаъанавий шаклларда ҳам классик даҳолар таъсири доирасида қолиб кетмасдан, шеърда ўзининг янги сўзини айта олдики, ҳамма ижодкор ҳам бунинг уддасидан чиқишга қодир бўлавермайди.

Шоир қатор шеърларида («Узлат», «Йиллар армони», «Умр қисқа эди», «Инсон манзараси») тавба, истифрга даъват, руҳни поклашга ундовчи туйғуларни ифода қилган. Ҳасад, адоват, кин, ғийбат, хиёнат, таъма каби ахлоқий иллатларнинг чуқур бадиий таҳлили шу даражада жонли амалга оширилганки, булар шеърятимизнинг умуминсоний ва миллий йўналишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди, дейиш мумкин.

### **Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги мақолаларда ўз аксини топган:**

1. Ашурова Г. Тимсол - сўз ва маъно асоси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 80 б.
2. Ашурова Г. «Дўсти ғариб, кел қўлингни тут...» // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 2 -сон. – Б. 28-30.
3. Ашурова Г. «Руҳим, сен вужуднинг ғамини ема» // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – 1 -сон. – Б.49-53.
4. Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърятда ғазалчилик анъанаси // Педагогик таълим. – Тошкент, 2001. – 6-сон. – Б. 82-85.
5. Ашурова Г. А.Орипов шеърятда анъанавий ошиқ ва маъшуқа тимсоли // Филологик таълим: муаммо ва ечимлар (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: ТДПУ, 2004. – Б. 49-52.
6. Ашурова Г. Абдулла Орипов «Оҳу»сининг поэтик талқини // Бадиият жилolari. ТДПУ. – 2006. – Б. 90-96.
7. Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърятда баҳор тасвири // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар. –Тошкент: ТДПУ, 2006. – Б. 49-52.
8. Ашурова Г. Тасаввуфий маъно ва янгича талқин. Анъана ва замонавийлик. Илмий тўплам. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 56-62.
9. Ашурова Г. Тасаввуф ва Абдулла Орипов ижоди // Филологик таълим масалалари. Илмий тўплам. ТДПУ. – 2007. – Б. 95-97.
10. Ашурова Г. Тасаввуфий тушунча ва янгича талқин // Пятая Международная конференция. Образование через всю жизнь: Непрерывное образование для устойчивого развития. Том 2. – Санкт-Петербург. – Ташкент, 2007. – С. 229-231.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Г.Н.Ашурованинг 10.01.02 – Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича “Абдулла Орипов шеърятида анъана ва бадий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир)” мавзусидаги диссертациясининг

### РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** шеърят, анъана, новаторлик, кашфиёт, шеърый шакллар, миллий-маънавий кадрят, тимсол, образ, тасвир воситалари, маҳорат.

**Тадқиқот объекти:** Абдулла Орипов шеъряти.

**Ишнинг мақсади:** Абдулла Орипов шеърятидаги ғоявий-бадий ўзига хослик, шоир шеърятининг образлар тизими ва шоир санъаткорлигининг намоён бўлиш шакллари поэтик анъана ва бадий маҳорат йўналишида ўрганиш.

**Тадқиқот методлари:** Абдулла Ориповнинг анъана ва бадий кашфиёт силсиласидаги маҳоратини очиб беришда тарихий-қиёсий услубга асосланildi.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Абдулла Орипов ижодини миллий ва байналмилал анъаналар фонида илмий жиҳатдан махсус ўрганиш илк маротаба амалга оширилмоқда. Тадқиқот давомида Абдулла Ориповнинг юксак поэтик иқтидори ва бадий кашфиётларига асос бўлувчи манба ва омиллар муайянлаштирилди. Шоир ижодидаги айрим поэтик маъно ва тимсолларнинг генезиси аниқланди. Баъзи образларнинг ривожланиш доирасидаги хусусияти ва ўзига хослиги кўрсатиб берилди.

**Амалий аҳамияти:** диссертация хулосалари ва олинган натижалар Абдулла Орипов шеърятининг янги қирраларини чуқурроқ билишга ва бу шеърятнинг ўзбек адабиётида тутган ўрнини белгилашга хизмат қилади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** мавзуга оид тўққизта мақола, битта рисола чоп этилган. Улардаги асосий ғоя ва хулосалардан адабий жараён, адабий жараёндаги ворисийлик, анъана ва кашфиёт йўналишидаги илмий ишларда, адабиётшуносликка оид тадқиқотларда, шунингдек, дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда, махсус курс ва махсус семинарларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** диссертация материалларидан ўзбек адабиёти тарихи, фольклоршунослик, ҳозирги адабий жараёнга оид китоб ва қўлланмалар яратишда, Абдулла Орипов ижодини таҳлил қилиш ва оммалаштиришда фойдаланиш имконияти бор.



## РЕЗЮМЕ

диссертации Г.Н.Ашуровой на тему «Традиция и художественное мастерство в поэзии Абдуллы Арипова (образ, замысел и изображение)» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.02 – узбекская литература

**Ключевые слова:** поэзия, традиция, новаторство, открытия, стихотворные формы, национально-духовные ценности, олицетворение, образ, средства описания, мастерство.

**Объекты исследования:** поэзия Абдуллы Арипова.

**Цель работы:** изучение идейно-художественной специфики поэзии Абдуллы Арипова, системы его поэтических образов, форм проявления мастерства поэта в аспекте поэтической традиции и художественного мастерства.

**Методы исследования:** при раскрытии мастерства Абдуллы Арипова был использован историко-сравнительный метод.

**Полученные результаты и их новизна:** впервые подвергнуто специальному научному изучению творчество Абдуллы Арипова на фоне национальных и интернациональных традиций. В ходе исследования определены источники и факторы, легшие в основу высокого поэтического потенциала и художественных открытий Абдуллы Арипова. Выявлен генезис особенного поэтического смысла и олицетворений в творчестве поэта. Отмечены особенности и своеобразие развития некоторых образов.

**Практическая значимость:** выводы по диссертации и полученные результаты служат глубокому познанию новых черт поэзии Абдуллы Арипова и определению её места в узбекской литературе.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** опубликовано 9 статей и 1 брошюра по теме исследования. Основные идеи и выводы, изложенные в публикациях, могут быть использованы в научных работах по литературному процессу, по изучению наследия поэтов, в работах по традициям и новаторству, в литературоведческих исследованиях, а также при создании учебников и учебных пособий, проведении специальных курсов и спецсеминаров.

**Область применения:** материалы диссертации могут быть использованы в книгах и пособиях по истории узбекской литературы, фольклористике и современному литературному процессу, при анализе и популяризации творчества Абдуллы Арипова.

## RESUME

Thesis of G.N. Ashurova on the scientific degree competition of the candidate of sciences in philology, speciality 10.01.02 – Uzbek Literature: “Tradition and artistic skills in the poetry of Abdulla Oripov (image, idea and portraying)”

**Key words:** poetry, tradition, innovation, discovery, poetic forms, national-spiritual values, personification, image, means of description, skills.

**Subject of the inquiry:** Abdulla Oripov’s poetry.

**Aim of the inquiry:** studying the ideological-artistic specificity of Abdulla Oripov’s poetry, the system of its poetical images, the forms of displaying poet’s skills in the aspect of poetic tradition and artistic skills.

**Methods of inquiry:** historical-comparative method was used while disclosing Abdulla Oripov’s skills in the succession of traditions and artistic discovery.

**The results achieved and their novelty:** for the first time Abdulla Oripov’s works were studied with the scientific purpose against a background of the national and international traditions. In the investigation sources and factors based on the high poetic potentials and artistic discoveries of Abdulla Oripov were defined. The genesis of peculiar poetic sense and personification in the poet’s works was revealed. Peculiarities and originality of developing the traits of some images were noted.

**Practical value:** the conclusion and results of the dissertation will serve for profound learning of new aspects of Abdulla Oripov’s poetry and determining its place in the Uzbek Literature.

**Degree of embed and economic effectivity:** 9 articles and 1 brochure were published on the subject-matter. The main ideas and conclusion expounded in the published works may be used in the other researches on the problems of literary process and heritage, on the tradition and discoveries, literary criticism and while compiling textbooks and manuals and conducting special courses and seminars as well.

**Sphere of usage:** materials of the dissertation may be used in the books and manuals on the History of the Uzbek Literature, Study of Folklore and Modern Literary Process, while analysing and popularizing Abdulla Oripov’s works.



